● *Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда гапирилган эди*

# БОЗОР ХАЛҚ МАНФААТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

Республика раҳбариятининг мамлакат келажаги, халқ фаровонлиги ва дастурхонимиз тўкин-сочинлигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, уларни барча аҳли фуқаро, қолаверса, жаҳон жамоатчилиги маъқуллаётгани, қўллаб-қувватлаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Президентимиз Ислом Каримов ечимини кутаётган саноқсиз муаммолар орасида бозорларимиздаги аҳволга жиддий эътибор бераётгани, тўғрисини айтганда, кўпчилик сиёсатдонларни аввалига ҳайрон қолдирди. Ниҳоят, давлат бошлиғининг бозор "икир-чикир"ларигача диққат қилиши мамлакатни бошқаришнинг одил ва оқилона йўлларидан бири эканини тушуниб етдилар.

Дарҳақиқат, Шарқ мамлакатларида шаклланиб, бугунги кунда жаҳондаги барча халқлар учун ҳаётнинг бир бўлагига айланган бозор ўзига хос тарози, одамлар турмушининг кўзгусидир. Қадимдан давлат, вилоят, шаҳарларга унинг бозорига қараб баҳо бериш одат бўлган. Тарихий адабиётлар хорижий айғоқчиларнинг ўзга давлатлар бозорини айланиб, мамлакат қудрати, аҳоли турмуш тарзи, раҳбарлар сиёсати тўғрисида хулоса чиқаргани ҳақида гувоҳлик беради. Одамлар сафардан қайтишганда, аввало, бозорлар ҳақида сўзлаб беришади. Хуллас, бозор мамлакат фаровонлигини, бу ердаги тартиб, озодалик, ҳалоллик, адолатни белгиловчи мезондир. Шу боис бозор, ундаги аҳвол юртбошимизнинг диққат марказида тургани табиий ҳолдир.

### Бизда аввалига нима бўлди?

Эркин савдо муносабатларини "билганингни қил" қабилида тушуниб, босар-тусарини билмай қолган, нопок, нафси бузуқ шахслар, текин даромад пайига тушган юлғичлар мамлакатда давлат бош ислоҳотчи эканини, унинг қонун-қоидалари борлигини, керак бўлганда, бозорбузарларнинг таноболарини тортиб қўйиш мумкинлигини унутиб қўйдилар.

Шунинг оқибати ўлароқ, Ватан ўз пулини — миллий валютасини муомалага киритиш олдидан республикамиз бозорларида тозалик ва поклик, ҳалоллик ва имон, фаровонлик ва адолат учун, қолаверса, оддий истеъмолчи, кафти қадоқ деҳқонни ҳимоя қилиш учун кураш кескин тус олди. Бу ишдан, унинг дастлабки ижобий натижаларидан халқ огоҳ, кўриб, сезиб, кузатиб турибди.

Республика Прокуратураси идораларининг 1994 йил 25 июндаги "Савдо соҳасидаги, бозорлардаги салбий ҳолатлар ва уларни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида"ги ҳукумат мажлиси баёни ва шу масала юзасидан қабул қилинган 28 июль қарори ижроси юзасидан умумий назорат тартибида ўтказган текширувлари бозорларимиз қиёфасини бузаётган, нафс оворалигига берилиб кетиб, аҳоли эҳтиёжини қондириш ўрнига унинг манфаатларига зиён келтираётган, миллий ғуруримиз — валютамиз қадрини туширавётган шахсларни мунтазам фош этмоқда. Айни пайтда бозорлардаги маъмурлар, масъул шахслар, назорат ва ижрони ташкил этувчи мутасаддилар орасида бoқибеғамлик, лоқайдлик кайфияти мавжудлиги, жонкуярлик, фуқаропарварлик хислатлари етишмаётгани ҳам очиб ташланмоқда ва бундайлар қонуний жазога тортилмоқда.

Бозорларда тартиб ўрнатиш, тадбиркор билан чайқовчини фарқлай билиш, қўли қадоқ деҳқон, турли маҳсулот яратувчини ҳимоя қила олиш, истеъмолчи-аҳоли эҳтиёжини ҳис этиш бозор мутасаддиларининг асосий вазифаси бўлмоғи керак эди. Лекин прокуратуранинг умумий назорат бошқармаси тўплаган материаллар айрим ҳолларда бунинг акси бўлаётганидан гувоҳлик бермоқда.

Мисол учун, Сирдарё вилоятининг Гулистон, Янгиер, Ширин, Бахт шаҳарлари бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат моллари бемалол сотилаётгани аниқланди. Текширувларда 107 та ана шундай ғайриқонуний ҳолат қайд этилди. Қонунбузарлар тегишли жазога тортилди. Хўш, бу аҳволдан бозор маъмурлари бехабар эдими? Бундай аҳвол Тошкент шаҳридаги деярли барча бозорларда, бошқа вилоят, туман ва шаҳарларда ҳам мавжудлиги сир эмас. Фақат июль ойи мобайнида республика бозорларида қарийб 2 миллиард сўм-купонлик ана шундай товарлар, жумладан, 200 миллион сўмликка яқин дори-дармон мусодара қилингани, 600 га яқин олибсотар маъмурий жавобгарликка тортилгани фикримизнинг далилидир.

1994 йилнинг 29—30 июнь кунлари Наманган вилоятида прокуратура молия, солиқ, ички ишлар хизмати ходимлари билан бозорларда кенг кўламли текширув ўтказди. Кўплаб қонунга хилоф ҳаракатлар, бозорларни обод қилиш ўрнига шахсий манфаат, нафс гирдобига шўнғиб кетиш ҳолларига дуч келинди.

Бу қонунбузарликларнинг бошида эса айрим ҳолларда бозор маъмурларининг ўзи тургани маълум бўлди. Наманган шаҳар бозорида савдо қилувчиларнинг деярли ярмининг қўлида патта йўқ экан, қолганларида ярим тўлов паттаси мавжуд бўлган. Бозор паттачиларининг ўзида на ҳисоб бор, на қайд дафтари. Улар истаган сотувчидан кўнгли тусаган миқдорда пулни олиб, чўнтакка жойлаб юраверган. Бу ерда, "Чорсу" бозоридаги 3 та патта сотиш хонаси аллақачон гўшт ва нон сотувчиларга "пуллаб" юборилган экан. Бозорда кунлик нарх ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. "Деҳқон уйи" деб аталган, ярим жиҳозланган хоналарда ётиб-турувчилардан тушган тўловлар ҳам "айрим"ларнинг шахсий манфаатларига хизмат қилаётгани ҳам аниқланди.

Текшириш, назорат ўтказилгач, бу "иш"ларнинг ҳаммаси жой-жойига тушади, лекин бозор маъмуриятида ҳам билдирилган ишончга яраша виждон, масъулият, қолаверса, иймон бўлиши керак-ку.

Вилоятнинг Поп, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Уйчи ва бошқа туманлари бозорларида ҳам аҳвол бундан ўзгача эмас. Сигарет, ичимлик, сақич, дўппи ва бошқа товарлар сотувчиларнинг камдан-камида рухсатнома, бармоқ билан саноқлисида эса патта бор. Энг ёмони, сўров йўқ, назорат йўқ, иш ташкил қилишга ҳаракат, ейдиган нонини ҳалоллаш учун интилиш, масъулият ҳисси йўқ.

Республика бозорларидаги кўплаб паттачилар, виждонни жиғилдонга айлантирган шахслар ушланиб, улар қонун билан "ҳисоб-китоб" қилишга мажбур бўлди. бу борадаги ишлар давом этмоқда. Прокурорлик текширувлари айрим бозор раҳбарларида пештахталарни тўкин қилиш учун масъулият ҳисси етишмаётганини очиб ташлади. Масалан, Андижон вилояти Пахтаобод тумани бозорида шартномага асосан 3 та хўжаликдан маҳсулот келтириш шарти мутлақо бажарилмаган.

Бозор раҳбарияти эса бу ҳақда ҳатто бош "қашламаган". Бундай аҳвол бошқа вилоят ва ҳудудларда ҳам мавжуд.

Баъзи бозор раҳбарлари аҳоли соғлиғи ҳақида қайғуриш ўрнига фақат савлат тўкиб ўтирган бўлиб чиқди. Андижоннинг Қорасув, Шаҳрихон бозорларида ветеринария-санитария лабораториялари ҳафталаб ишламасдан, аҳолига текширувдан ўтмаган маҳсулот сотилиши давом этаверган. Бу ишда айбдорлар прокурор томонидан интизомий жавобгарликка тортилди. Қарангки, салқин ичимлик ва газ суви сотувчилар ўз моллари нархини ошириш мақсадида бозор маъмуриятининг кўзи олдида водопровод кранларини ишдан чиқарган. Ана шундай ғаламислик Жиззахнинг Жўрақул Тўраев директорлик қилган "Эски шаҳар бозори"да содир этилган. Бу раҳбарнинг эса пинаги ҳам бузилмаган. Ҳозир бу шахс "собиқ"га айланди-ю, водопровод жўмракларидан сув кела бошлади...

Бозорларимиз қиёфасига доғ тушираётган ҳолатлардан яна бири, уларда фирибгарларнинг уя қуриб олишидир. Андижон шаҳар саноат моллари бозорида О. Эгамбердиев деган иш жойининг тайини йўқ шахс ушланди. У қизил жилдлик гувоҳнома ичига суратини ёпиштириб олиб, ўзини солиқ инспекцияси ходими деб таништириб, соддароқ тижоратчилардан пул ундириш билан шуғулланган, бир неча минг сўмлик дори-дармонни "қўйнига яширган" пайтда тумшуғидан илинди.

Тошкент вилояти Нуробод шаҳрилик, касби бетайин Б. Эламасов ҳам худди шундай йўл билан бозорчилардан пул, мол таъма қилиб юрганда қўлга олинди. У Суярова деган аёлнинг сотиб турган маҳсулотларини кўтарасига "мусодара" қилиб улгурган экан. Ҳозир тергов беряпти.

Юқори Чирчиқ тумани бозорида қозоғистонлик меҳмон — фирибгар Мамбетов сохта ҳужжат ва дўқпўписа билан пул тўплаётганда ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

Деҳқон йил бўйи тер тўкиб ҳосил етиштирса, косиб кўз нури, иқтидорини ишга солиб маҳсулот яратса-ю, ҳузурини бозорлардаги "бўри"лар кўрса, яратган бирга, олибсотар ўнга эгалик қилса, шу адолатданми?

Гулистон шаҳар бозорида Раҳмон Абдуллаев деган шундай зўравон ушланди. Бу иш жойи бетайин шахс бозорга келган деҳқонни қўрқитиб, маҳсулотини арзон-гаровга олган ва қимматига пуллашга киришган. Бозор маъмурияти бундай "эрка"ларга меҳрибонлик кўрсатиб келган. "Рэкетер" ҳибсга олинди. У ёлғиз эмас экан. Сал ўтмай укаси У. Абдуллаев ҳам тутиб келинди. У ҳам бозорбузарлардан бўлиб чиқди. Ҳозир қамоқда. Гулистон бозоридаги назоратсизлик ана шундай ғаламисларга шароит яратган эканки, бу ерда ҳатто Фарғонадан келган "меҳмон рэкетер" Б. Қосимов деган кимса ҳам савдо қилиб ўтирганларни бемалол талайверган. Бу йигит ҳам ҳибсга олинган, тез кунларда иши судга оширилади.

Самарқанд шаҳридаги "Мармар" деҳқон бозори раҳбарларининг эркаси — тайёрловчи М. Сатторов Қашқадарёдан бозорга тарвуз олиб келган деҳқон Турдиалиевдан фирибгарлик билан 9 миллион сўм-купонлик маҳсулотини кўтарасига сотиб олиб, қарийб 20 миллионга сохта ҳужжат ясаб, фарқини ўзлаштириб юборган. Унинг бу ғаламислигидан бозор мутасаддилари бехабарлиги эса ҳеч қандай мантиққа тўғри келмайди. Бу ёғини тергов аниқлайди.

Илгари жиноят қилиб жазосини олган, касб-кори бетайин Е. Жўраев деган кимса Андижон туманидаги деҳқон бозорида "дублёр раҳбар"лик қилар экан. Бозорнинг қонуний бошлиқларининг "кўзи кўр, қулоғи кар"лигидан фойдаланиб, маҳсулотни сотишга келганларни қон қақшатиб, 3 кишидан 3 миллион сўм "ҳақ" олаётганида қўлга тушди. Ҳозир ҳибсда, тергов беряпти.

Республикамиз бозорларида энг кенг тарқалган қонунбузарлик, бу — маҳсулот сифатини тасдиқловчи патент, унинг келиб чиқиши ва етиштирилишини кўрсатувчи ҳужжат, савдо учун тегишли рухсатномаси бўлмаганларнинг бозор мутасаддилари билан "тил топишиб" кетганлигидир. Бундай аҳволга чек қўйиш борасида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар, солиқ, молия амда бошқа назоратчи ташкилотлар ҳамкорликда кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг савдода ва бозорлардаги салбий ҳолатларни бартараф этишга қаратилган қарорига амал қилган ҳолда республика Прокуратураси Адлия вазирлиги билан биргаликда бозорлардаги масъул ходимларнинг ҳуқуқий тайёргарлигини ўрганиш, уларни синовдан ўтказиш ишларини амалга оширди. Аҳвол эса ачинарли бўлиб чиқди.

Масалан, фақат Тошкент шаҳридаги бозор раҳбарларидан 62 фоизи ҳуқуқий жиҳатдан билими талаб даражасида эмаслиги қайд этилиб, синовдан ўтолмади. Улар орасида Сирғали тумани бозори директори С. Холмуҳамедов, "Паркент" бозори директори М. Зупаров, "Самолётсозлар" бозори директори Ғ. Туробов, "Фарҳод" бозори директори К. Муродхонов, "Наврўз" бозори директори Т. Исмоилов, унинг ўринбосари С. Мухторов, "Бешёғоч" бозори директори Б. Валиев, "Аския" бозори директори А. Умурзоқовлар бор. Юнусобод, Қорақамиш, Олой бозорлари раҳбарлари Т. Умаров, Р. Файзиев, П. Муҳиддинов, А. Тўлагановлар ҳам ўта паст ҳуқуқий даражада иш юритаётганлари маълум бўлди. Қизиғи шундаки, уларнинг кўпчилиги бу масъулиятли лавозимларда 10—15 йилдан буён ўтирибди. Айримлари сўнгги 3—4 йил ичида "кўтарилган", ижобий таърифлар билан "танлаб" қўйилган.

Қолаверса, уларнинг деярли барчаси олий маълумотли, узоқ вақт раҳбарлик вазифаларида ишлаган шахслардир. Ўзингиз ўйланг, бозор қўмитасининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, нарх-наво, меҳнат қонунларини, чипталар нархини, бозорлар фаолиятини белгиловчи қонун-қоидаларни, аҳоли эҳтиёжини, деҳқон билан олибсотарнинг фарқини, қонунчиликдаги янгиликларни, муҳим давлат қарорлари ва Президент Фармонларини билмасалар, тасаввурлари юзаки бўлса, улардан нимани ҳам кутиш мумкин?

Бундай аҳвол республикамизнинг деярли барча вилоят, туман ва шаҳарларида ҳам қайд этилди. Юзлаб бозор раҳбарлари ўз вазифаларини бажаришга нолойиқ деб топилди. Кўпчилиги лавозимидан четлаштирилди. Жиззахдаги 14 та деҳқон бозори директоридан 5 таси ана шундай синовдан "йиқилди".

Қисқа қилиб айтганда, барча вилоят, шаҳар, туман деҳқон бозорлари мутасаддилари орасида ана шундай "тозаланиш" ўтказишга тўғри келди. Бу ишлар давом этмоқда.

Хуллас, бозорларда ободончилик, тартиб, имон ва ҳалоллик барқарор бўлишидан барча манфаатдор. Умумманфаат эса қонун билан ҳимоя қилинади. Токим, бозорларимиз халқ манфаатига хизмат қилсин!

**Файзулла ҚИЛИЧЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия катта маслаҳатчиси.**



**Қувасойдаги "Беҳизор" хўжалиги соҳибкорлари бу йил 1800 тонна мева, 700 тонна узум етиштириб, халқ дастурхонига тортиқ этиш ниятидалар. Ҳозир улар сараланган ноз-неъматни Тошкент шаҳри аҳолисига, Россиянинг Барнаул, Иркутск каби шаҳарларига ҳам жўнатишаяпти. МДҲ давлатларига юборилаётган мева-чева ҳисобига қурилиш материаллари, техника эҳтиёт қисмлари олиняпти.**

**СУРАТДА: Қувасой шаҳар кенгаши депутати, хўжалик раиси Неъматжон Абдуллаев ва механизатор Нозимжон Раҳимов.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

# ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ЁШ ФЕРМЕРЛАРГА ЁРДАМИ

Сирдарё вилоятида Европа ҳамжамияти комиссияси махсус лойиҳасининг экспертлари ишламоқда. Уларнинг асосий мақсади — жаҳон андазаларига мос келадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйишда вилоятдаги ёш фермерларга ёрдам беришдан иборат. Бу махсус лойиҳа МДҲ мамлакатларига техникавий ёрдам кўрсатишни кўзда тутувчи "Таъсис" дастури доирасида амалга оширилмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг турли тармоқлари бўйича французлик, голландиялик ва бельгиялик беш мутахассис лойиҳани амалга ошириш билан шуғулланиб, маҳаллий ҳамкасблари билан биргаликда энди иш бошлаётган тадбиркорларга замонавий хўжалик юритиш, маркетинг асосларини ўргатмоқда, ишлаб чиқариш ҳамда дала ва ферма маҳсулотларини қайта ишлашнинг илғор технологияларини жорий этишда ёрдам бермоқда. Европа ҳамжамияти комиссиясининг мутахассислари ёш фермерларга ҳар қандай бизнесни истеъмол эҳтиёжларини ўрганишдан бошлашни тавсия этишмоқда. Бу — жаҳон тажрибасига мос келади. Улар хўжаликлардаги мавжуд ресурслар ва имкониятларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришни қайта қуриш юзасидан тавсия беришмоқда.

Яқин вақт ичида фермерлик мактабини ташкил этишга қарор қилинди. Бу ерда саккизта ўқув гуруҳи очилиб, ҳар бир гуруҳда 8-10 тингловчи шуғулланади. Амалий "дарс"лар учун энг янги технологияларни, қишлоқ хўжалик экинларининг энг яхши навларини, наслли моллар зотини ўрганиш билан шуғулланадиган махсус лаборатория ташкил этиш назарда тутилмоқда. Европа ҳамжамияти комиссияси мутахассисларининг бу мактаби Сирдарё вилоятида икки йил ичида маҳаллий фермерлардан юзлаб юқори малакали деҳқонлар ва чорвадорлар етиштириб беради.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш лойиҳаси Европа ҳамжамияти комиссияси экспертлари томонидан республикамиз мутахассислари билан биргаликда ишлаб чиқилган эди. Бу лойиҳа Сирдарё ва Фарғона вилоятларида амалга оширилмоқда. Европа ҳамжамияти комиссияси бу мақсадни амалга ошириш учун 1 миллион экю ажратди. Лойиҳанинг амалга оширилиши фермерларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва сотиш тизимини йўлга қўйишга, пировард натижада эса, Ўзбекистон аҳолисини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга имкон беради.

Бундан икки йил муқаддам республикамиз ҳукумати билан Европа ҳамжамияти комиссияси ўртасида Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар ва бозор муносабатларига ўтиш жараёнида техникавий ёрдам кўрсатиш юзасидан ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандум имзолангандан сўнг Европа Иттифоқи билан ана шундай ҳамкорлик қилиш имконияти вужудга келди.

**(ЎзА мухбири)**


# Сотиб олинг ва эгалик қилинг !

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ СИЗЛАРНИ ЭНГ УЛУҒ БАЙРАМ - ЮРТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ УЧ ЙИЛЛИГИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ ВА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ВИЛОЯТ КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ БУГУН ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА КЎЧМАС МУЛК ВА ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНМАГАН БИНОЛАРНИНГ НАВБАТДАГИ КИМОШДИ САВДОСИНИ ЎТКАЗИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ*

## САВДОГА ҚУЙИДАГИ ИНШООТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Пахтакор туманидаги меҳмонхона. Пахтакор шаҳри марказида. Ғиштдан қурилган, 2 қаватли. Атрофи мармар сувоқ қилинган, 50 ўринли ошхона, буфет, сартарошхонаси мавжуд.

*Бошланғич баҳоси - 58 минг сўм.*

2. Жиззах шаҳрининг Паркент кўчасида жойлашган қурилиши тугалланмаган шахсий уй. Уйнинг деворлари тош ва ғиштдан ишланган. Қурилган хона 8 та бўлиб, меҳмонхона, ошхона ва ертўлага эга. Уйнинг устки қисми ёпилмаган, сувоқ ишлари бажарилмаган.

*Бошланғич баҳоси - 150 минг сўм.*

3. Зафаробод туманидаги Алексеевский номли хўжаликда жойлашган маиший хизмат кўрсатиш биноси. 2 қаватли, 1974 йилда қурилган.

*Бошланғич баҳоси - 22 минг сўм.*

4. Ғаллаорол туманидаги савдо маркази. Амир Темур номли ширкатлар уюшмасининг 4-бўлимида жойлашган. 1992 йилда қурилган.

*Бошланғич баҳоси - 10 минг сўм.*

5. Пахтакор туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалигидаги ресторан. Ширкат хўжалигидан ўтган темир йўл ёнида жойлашган. 2-қаватли, пишиқ ғиштдан қурилган. 1-қаватида ошхона ва савдо дўкони, 2-қаватида ошхона зали ва буфет бор.

*Бошланғич баҳоси - 20 минг сўм.*

6. Бахмал тумани маркази - Ўсматдаги меҳмонхона. 1982 йилда қурилган, мазкур бино 25 ўринли бўлиб, 11 хонадан иборат. Сув, газ билан таъминланган.

*Бошланғич баҳоси - 69,2 минг сўм.*

7. Арнасой тумани марказидаги қурилиши тугалланмаган 12 хонали бино. 1992 йилда қурила бошлаган, эгаллаган умумий майдони 756 квадрат метр.

*Бошланғич баҳоси - 6 минг сўм.*

8. "Фориш" меҳмонхонаси. Бино 2 қаватли бўлиб, 1980 йилда пишиқ ғиштдан қурилган, 50 ўринли. Умумий майдони 691 квадрат метр. Махсус иситиш қозонхонаси, сув минораси бор.

*Бошланғич баҳоси - 114 минг сўм.*

9. Жиззах тумани 76-от заводининг "Равот" қишлоғидаги ошхона. Мазкур савдо шохобчаси ҳар томонлама талабга жавоб берадиган даражада қурилган, савдо зали ва омборхонаси мавжуд.

*Бошланғич баҳоси - 13 минг сўм.*

10. Жиззах тумани, Бобур номли жамоа хўжалигидаги ресторан. Ресторан Тошкент - Жиззах шаҳарлари ўртасидаги Катта автомобил трассаси ёқасида жойлашган.

*Бошланғич баҳоси - 51 минг сўм.*

***КИМОШДИ САВДОСИГА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ЗАРУР***

***ҲУҚУҚИЙ ШАХСЛАР УЧУН***

1. Низом, таъсис шартномаси: рўйхатга олиниши ҳақидаги қарор.

2. Кўчмас мулк биржаси ҳисобига гаров пули ўтказилгани ҳақидаги тўлов шаҳодатномаси ёки омонат кассадан пул ўтказилгани ҳақидаги ҳужжат.

3. Аукционда иштирок этиш учун ариза.

4. Зарур ҳолларда ишонч қоғози (корхона муҳри билан тасдиқланган).

5. Далолатнома (корхона муҳри билан тасдиқланган).

6. Молиявий аҳволи тўғрисидаги банк маълумотномаси.

***ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР УЧУН***

1. Аукционда иштирок этиш учун ариза.

2. Кўчмас мулк биржаси жорий ҳисобига гаров пули ўтказилгани ҳақидаги тўлов шаҳодатномаси ёки омонат кассадан пул ўтказилгани ҳақидаги ҳужжат.

3. Фуқароларнинг шахсий паспорти.

4. Далолатнома (нотариусдан тасдиқланган).

5. Зарур ҳолларда ишонч қоғози (нотариусдан тасдиқланган).

Кимошди савдосига ўз вақтида ариза ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар бурган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар хусусийлаштирилаётган бино дастлабки баҳосининг 10 фоизини тўлаган ҳолда киритилади.

**ҲАҚ ТЎЛАШ ШАРТЛАРИ**

Кимошди савдосида қатнашиш учун аризалар ҳар куни соат 8 дан 20 гача қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шох кўчаси, 39-уй, телефон 3-30-18. Жиззах вилояти касаба уюшмаси қўмитаси биноси (вилоят кўчмас мулк биржаси).

**ЭСЛАТМА:** Вазирлар Маҳкамасининг 29 апрелдаги 228-сонли қарорига ўзгартириш киритилиб, барча иншоотларнинг тўлов пули муддати бир йил қилиб, ҳар чоракда тўлаш белгиланган ҳамда бу қарор 1994 йил 28 июнь қарори билан кучга кирди.

Кимошди савдоси 1994 йил 23 август Жиззах шаҳар шартномасавдо биносининг мажлислар залида бўлади.

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОШҚАРМАСИ. ВИЛОЯТ КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ.**

